

ОИЛАДА ЁШЛАРНИНГ ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Абдужаббарова Мусаллам
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
институтини “Педагогика ва психология” кафедраси доценти

Аннотация. Ушбу мақолада оилада ёшларнинг интернет тармоғидан фойдаланиш маданиятини шакллантиришда ота-оналарнинг саводхонлигини ошириш ҳақида ёритилган. Бу борада ота-оналарга тавсиялар берилган. Оиладаги муҳит ва интернет тармоғи ўртасидаги муносабатларни илмий таҳлил қилинган. Ушбу масалани ўрганиш оила педагогикаси учун муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Таянч сўз ва иборалар: оила, интернет, ота-она, фарзанд, муносабатлар.

Аннотация. В этой статье основное внимание уделяется повышению осведомленности родителей о том, как использовать Интернет для развития культуры использования Интернета для молодежи. Родителям рекомендуется по этому вопросу. Научно-аналитический анализ взаимосвязей между семейной средой и Интернетом. Изучение этой проблемы важно для семейной педагогики.

Опорные слова и выражения: семья, интернет, родители, дети, отношения.

Abstract. This article focuses on increasing parents' awareness of how to use the Internet to develop a culture of using the Internet for young people. Parents are advised on this subject. The relationship between the family environment and the Internet has been scientifically analyzed. Studying this issue is important for family pedagogy.

Keywords and expressions: family, internet, parents, children, relationships

Ёшларнинг маънавий оламини шакллантиришга ҳалақит қилаётган иллатлар, турли бузғунчи ғоялар ва мафкуралардан уларни асраш борасида бир қатор ишлар амалга оширилиши лозим. Ҳозирда аксар ёшларимиз Интернет тармоқларидан кенг фойдаланмоқдалар. Ўзбекистонда кампьютер технологиялари, Интернет тизими ижтимоий-маданий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бўлган. Техника тамойилларининг устуворлик даражаси мустаҳкамланиб бормоқда. Бунинг натижасида ёшларимизнинг дунёни англаш кўлами, ўз билим-салоҳиятини ошириш эҳтиёжининг қондирилиши ҳолати зўрайиб бормоқда. Миллий кадриятларимиз маскани бўлган оилага ҳам Интернет тармоғи кампьютер, мобил тармоқлари орқали кириб келди. Бу ўринда оила аъзолари ўртасидаги муносабатларга қай тарзда таъсир қилади? Баъзи ота-оналар учун “бегона”, “тушуниш қийин бўлган” бу “мотаҳлар”га нисбатан эътибор ва фарзандлари тарбияси борасида қийинчиликлар юзага келадими? Ўзбек халқининг азалий кадриятларига ўз таъсирини ўтказмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорида ҳам “Ахборот-коммуникация технологиялари ва Интернет тармоғининг оила мустаҳкамлигига ва ривожига таъсирини ўрганиш, оилавий турмуш тарзи кадриятларини оширишни тарғиб қилишда, оилалардаги салбий ижтимоий ҳолатларни профилактика қилишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш” ҳақида берилган[1].

Ривожланган мамлакатларда оиланинг роли пасайиб бормоқда: ажралишлар сони, никоҳдан ўтмаётган катта ёшли ёлғизлар ҳиссаси, фарзандсизлар ҳамда бир нафар фарзандли эр-хотинлар сони ортиб бормоқда. Ҳозирги вақтда АҚШ ва Европа

мамлакатларида анъанавий тўлиқ оила ноёб бўлиб, бундай оила моделига интилиш баъзан кераксиз ва идеаллаштирилган ходисадек танқидга учрамоқда^[1]. Бироқ бугунги кунда, оиланинг муқаддаслиги ва унинг ўзига хос анъаналари ва қадриятлари мавжуд эканлиги маълумдир. Айниқса, ўзбек оиласининг алоҳида “мен”лар йиғиндиси эмас, балки мустақам маънавий анъаналарга таянадиган ягона ва яхлит организмга айланишга кўмаклашувчи қонунларга таянади. Оилада ота алоҳида ўринга эга бўлиб, унинг оила аъзолари орасида ёки унинг ўзи оилага эътиборли бўлиши шарт. У оила бошлиғи, оила фаровонлиги учун масъул, оила аъзоларини қўллаб қувватлайди, ҳимоя қилади. Ўғил болалар гўдаклигиданоқ ушбу қадриятлар тизимида тарбияланган.

Ер юзида 1,5 миллиард киши Интернетдан фойдаланаётган бўлса, Ўзбекистоннинг 30 миллион аҳолисининг 8 миллиондан ортиғи ундан фойдаланаётганлиги фикримизнинг исботидир. Айни пайтда ёшларимиз қайси сайтлардан фойдаланаётганлигини аниқлаш ва бу борада иш олиб боришни муҳим, деб биламиз. Бу фикрнинг нақадар жиддий асосга эга эканлигини Интернетда мавжуд салбий ва зарарли сайтлар, яъни ўз-ўзини ўлдириш–худкушликнинг осон йўллари тарғиб этувчи сайтлар қарийб 10 мингга яқинлашганини, шундан кўпчилиги террорчилик ва экстремистик сайтлар, қарийб 5 мингга эротик сайтлар ва бошқа тарбияга зид сайтлар кўпайганлиги ҳам тасдиқлайди.

“Coogle” компанияси таҳлилларига кўра Ўзбекистондан кунига “Одноклассники.ru” сайтга 200 мингдан ортиқ, “Facebook” сайтга 90 мингдан ортиқ, “Мой мир” сайтга 40 мингдан зиёд киши қараётир. Хўш, бу нарса нимани аниқламоқда? Энг аввало ёшларда Интернет тизимига қўлиқ, тобеликни кучайтирмоқда, уларда ўзига хос технократик маданиятни шакллантирмоқда. Бизнинг фикримизча, технократик маданият-фақат техник воситаларнигина тан олиш, уларга англамаган ҳолда мослашув, провард натижада интернетга тобеликдан иборатдир. Афсуски, бу ҳаммаси эмас. Энг муҳими технократик маданият тўғрисида айрим ўзбек ёшларида миллатимизга хос бўлган жамоавийлик руҳияти ўрнига индивидуалистик қарашлар, самимийлик, меҳрибонлик хислатлари ўрнига кўполлик, дағаллик, агрессивлик сифатлари кучайиб бормоқда. Булар эса худбинлик, ўзаро маносабатларни инкор этиш, миллий қадрият, урф-одатларни унутиш, айрим ҳолларда космолитик (дунё фуқароси) дунёқарашга даъво қилиш каби салбий иллатларни юзага келтирмоқда. Фикримизча, технократик маданият ёшларнинг муайян қисмида китоб феномени, китоб ўқиш маданиятини инкор этмоқда. Китоб ўқишнинг камайиши эса идрок этиш, мушоҳада қилиш, ўзини англаш каби сифатларга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис, оилада китоб ўқишни тартибга солиш лозим. Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутоласи ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойишлари долзарб ва ижтимоий-иқтисодий аҳамияти жиҳатидан тарихий воқеа бўлди деб ҳисоблаймиз^[2]. Шу фармойишга мувофиқ, миллий ва жаҳон адибларининг китобларини электрон шаклини яратиш интернет тармоғига жойлаштириш бўйича ҳам бир қатор вазифалар белгиланган.

Агар ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарида ёшларнинг энг сеvimли машғулотлари мусиқа тинглаш ва телекўрсатувлар кўриш бўлган бўлса, ҳозирги пайтда эса компьютер ва Интернет аввалги қизиқишларни ёш авлод ҳаётидан сиқиб чиқарди. Замонамиз ёшларининг 70 фоизи ўз қизиқиш ва сеvimли машғулотлари ҳақида сўз юритганда спорт, дўстлар билан суҳбатлашиш, ғоявий ва маданий ҳордиқ чиқариш билан бир қаторда компьютер технологиялари, интернетга бўлган қизиқишини биринчи ўринда тилга олади.

Оилада фарзандлар кўпроқ уй вазифаларини бажаришда интернет тармоқларидаги маълумотларидан фойдаланишади. Жумладан, Канада ёшларининг ярмидан кўпи Интернет ва компьютер технологияларини ота-оналаридан яхшироқ билишини айтган. Уларнинг 80 фоизи мустақил равишда интернетга уланишини, ота-оналари компьютерга ҳимоя воситаси бўлган филтрлаш дастурини ўрнатиб қўймагани ва фарзандлари қандай сайтларга киришини назорат қилмаслигини тан олишди. Умуман

олганда, аксарият ота-оналар, аниқроғи, уларнинг 65 фоизи фарзандлари Интернетдан фақат уй вазифасини тайёрлаш учун фойдаланади, деган фикрдадир. Аммо, ҳозирги ёшлар электрон дарсликлар ва адабиётларни ўқишади. Китоб матнини ўқиш билан электрон матнни ўқиш орасида катта фарқ мавжуд. Электрон матнга фақат ахборот олиш учун қаралган. Матндаги маълумотлар инсон миёсида тўлиқ акс бермайди.

Кун тартибидаги машғулотларни даражага бўлсак, бунда ёшлар илм олишни энг охириги ўринга қўяр экан. Улар асосан интернет орқали мусиқа тинглайди, электрон манзилни текширади, хуллас, вақтичоғлик қилади. Ёшларнинг учдан икки қисми Интернетга янги дўстлар орттириш ва ким биландир суҳбатлашиш мақсадида уланади, уларнинг 15 фоизи бу муносабатларни кейинчалик реал ҳаётда давом эттирар экан. Мулоқотнинг бу каби шакллари яхши, албатта. Бироқ масаланинг иккинчи томони ҳам борки, унга чуқурроқ назар ташлаш лозим. Алоҳида эътибор талаб этадиган жиҳат - Интернет орқали таҳдид деб номланади. Интернет сайтларида ёшларга кучли таъсир этувчи ахборотларни қуйидагича таснифлаш мумкин. Биринчи тоифадаги ахборотлар сирасига ёт, бузғунчи ғоялар (диний экстремизм ва террорчилик ғоялари, миллатчилик, ирқчилик, садизм кабилар)ни киритиш мумкин. Иккинчи тоифадаги ахборотлар эса гарб ҳаёт тарзига хос, ўзбек менталитетига зид одатлар ва кўникмаларни тарғиб этади. Бу айниқса, гарб ёшларининг кийиниши, одатларини тарғиб қилувчи мақолалар, клиплар, фильмларда яққол намоён бўлади. Учинчи тоифага эса порнографик ахборотларни киритиш мумкин. Тўртинчи тоифага эса ҳали текширилмаган, ўз исботига эга бўлмаган турли ҳужумкор ахборотларни киритиш мумкин. Интернет сайтларидан тарқатилаётган бу каби ёт ғоялар ва ахборотларни ёшлар томонидан қабул қилинаётганлиги ва унинг оқибатлари жаҳондаги барча мамлакатлари халқини ҳам ташвишга солмоқда. Бундан ташқари, интернет тизимида ахлоқсизлик ва шафқатсизликни тарғиб этадиган, инсон руҳиятига салбий таъсир этадиган, турфа ҳил қимор ўйинлари жойлаштирилган кўплаб сайт ва порталлар мавжудлигини эътиборга олиш зарур. Масалан, Star craft, Line age, GTA, Cat Woman, Sims city, Mortal combat, War Craft каби юзлаб сайтларда жойлаштирилган ўйинларда “қаҳрамон” ниқоби остида ўта ёвуз ва шафқатсиз ғояларнинг тарғиб қилинаётгани ёшларнинг ахлоқини буткул издан чиқариб юбориши, уларнинг дийдасин қотириб, эзгулик ва ёвузликни фарқламайдиган, ҳамма нарсага бефарқ ўзига хос манкуртларга айлантириб қўйиши ҳеч гап эмас[3].

Интернетни ривожланиши асосан янги ҳақиқатни пайдо бўлиши олиб келади бу – виртуал. Шу билан бирга, шахсий муносабатни ҳамма кўрадиган ёки кимдир кузатадиганларга етказиш шарт эмас, деб ҳисоблайди. Ушбу интернет тармоғи орқали фақат узоқдаги оила аъзоси ёки қариндошлари билан мулоқот учун муҳим ҳисобланади. Интернет орқали ота-оналар кўпроқ ўз фарзандларини қаердалигини, уларни назорат қилиш имконияти борлиги учун ҳам фойдаланадилар. Ота-оналар интернетдан кўпроқ фарзандини назоратини кундузи амалга оширади. Фарзандлар эса интернетга кўпроқ кечкурун киришади. Бу баъзан яширинча амалга оширилади.

Болалар интернетдан фойдаланиш учун ота-оналар томонидан назорат қилинмаслиги салбий, ҳатто жиноятга оид маълумотлар мавжудлигининг сабабларидан биридир. Ота-оналар ушбу мураккаб масалани тушуниб етишга ёрдам берадиган қуйидаги қоидаларни яхши билиши лозим:

1. Ота-оналар интернетдан фойдаланадиган фарзандларини қизиқишлари ва мақсадларини яхши билишлари лозим.

2. Фарзандлари билан биргаликда интернетдан фойдаланиш вақтларини белгилаб олишлари лозим. ушбу ахборот ресурсларига кириш самарали ва хавфсиз бўлишига ёрдам беради.

3. Интернет тармоқларида мавжуд порнографик, зўровонлик ва ахлоқсизликни тарғиб қиладиган сайтларга киришни бартараф қилувчи филтрловчи ёки паролли дастурлардан фойдаланиш.

4. Фарзандларнинг интернетга мустақил кириш имконияти бўлган тақдирда, ота-оналар кичик ёшдаги шахсларнинг ахборотдан фойдаланишини назорат қилишлари лозим. Интернет ресурсларидаги болалар томонидан олинган маълумотларнинг характери ва миқдори тўғрисида “Internet Explorer” дастурининг “Internet-brauser” журнали билан танишишлари лозим. Интернетда болаларнинг салбий маълумотларга ёки сайтларга киришини олдини олиш учун компьютерга “Kasperskiy Internet Security 2010” ўрнатилган бўлиши лозим[4: 58]. Шунда сизнинг фарзандингиз турли порнографик саҳналар, шафқатсизликни тарғиб қиладиган сайтлардан асраган бўласиз.

Ота оналарга яна бир эслатмани келтириб ўтиш лозим. ота-оналар ўзларининг шахсий маълумотларингизни, дастурдаги паролларни баъзиларини ўз фарзандингиз билан баҳам кўрмаслик мақсадга мувофиқ. Агар маҳфий тута олсангиз.

Фарзандлар билан очик мулоқот бўлиши шарт. Фарзандингиз интернет тармоғидан олган ҳар бир маълумот ҳақида биргаликда суҳбатлашинг. Чунки, интернетдаги ҳамма маълумотлар ҳам ишончли ҳисобланмайди. Агар фарзандингиз интернетдаги ўйинларга қизиқиб қолган бўлса, бу ўйиннинг зарарини олдиндан огоҳлантиринг ёки бошқа ўйин билан алмаштиришни таклиф қилинг.

“Технократик маданият”ни “тартибга солиш” учун эса факримизча, Европа Иттифоқида қабул қилинганидек, “хавфсиз Интернет” дастурини ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб биламиз. Умуман ахборот оқимини назорат қилишнинг мукамал тизими лозимлиги аксиома. Жумладан, Буюк Британияда “Ўзини тутиш кодекси” ва “хавфсиз тармок” мустақил жамғармаси зарарли, ноқонуний ахборотлар оқимини назорат қилмоқда. Айрим Европа давлатларида эса қонун асосида сайтларни блокировка қилиш белгилаб қўйилган[5: 117].

Хуллас, Оилада интернет тармоғига уланиши фарзандлар тарбиясига жиддий таъсири юзага келтиради. Фақатгина оила катталари – ота-оналар бу борада ўз масъулиятини сезиши лозим бўлади. Интернет тармоғидан фойдаланишда фақатгина оиланинг тинчлиги, фаровон бўлиши ва оила аъзоларининг дунёқарашини кенгайтириш, маънавиятини шакллантириш учун хизмат қилиши лозим. Интернетдан фойдаланиш маданиятини юксалтириш борасида ота-онанинг тажрибаларини ошириш лозим. ўз навбатида, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлашимиз керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ–3808-сонли Қарори // “Халқ сўзи” газетаси. 27.06.2018.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутоласи ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши // “Халқ сўзи” газетаси. 2017 йил 12 январь.
3. Интернет ва ёшлар тарбияси //www.ma’naviyat.gov.uz.
4. Психология семейных отношений. Под ред., О.Шаграевой, А.Сергеева. Москва: Академия, 2008.
5. Ғойибназаров Ш. Оммавий маданият.- Тошкент: “О’ЗБЕКISTON” НМИУ, 2012.